O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 6 апрель, № 65 (3864) Пайшанба



Юртимизда баҳорги экиш мавсуми қизғин паллага кирди. Деҳқонларимиз мўл ва эртаги ҳосил олиш ниятида ана шу муҳим тадбирни ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мўл ҳосилдан нишона

Қувонарли жиҳати шундаки, чигит экилган олди майдонларда ғўза униб чиқди. Масалан, Асака туманидаги "Аҳмадшер" фермер хўжалиги далаларида бўлсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Фермер хўжалиги етакчиси Одилжон Мамажонов 36 гектардан ошиқроқ майдонга чигитнинг "Оққўрғон-2" навидан плёнка остига қадаганди. Эндиликда хўжалик аъзолари бир текис униб чиққан ниҳолларни парваришлашга киришишди. Ер эгасининг мақсади — ҳар гектар ердан ўртача 45 центнердан ҳосил олиш.

СУРАТДА: фермер Одилжон Мамажонов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Сўнгги соатда

Курашимиз яна бир тарихий қутлуғ қадам ташлади. Бугун у забт этмаган қитъа ва кураш сўзини билмайдиган халқ йўқ ҳисоби.

Ўзбек кураши – Пан Америка ўйинлари остонасида

Куни кеча Корея пойтахти Сеул шаҳрида Бутунжаҳон Миллий Олимпия қўмиталари ва ассоциациясининг ассамблеяси бўлиб ўтди. Йиғилишни ассоциация президенти Марио Вазкес Ранья бошқарди. Ассамблея ишида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге ва қўмитага аъзо 202 мамлакат Миллий Олимпия қўмиталари ва қитъавий Миллий Олимпия қўмиталари раҳбарлари қатнашди. Тадбирда жаноб М. Вазкес таклифига биноан Кураш халқаро ассоциацияси раҳбарияти ҳам қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро кўргазма:

ШЕРИКЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Кеча пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Металлургия. Кимё. Энергетика — IndustrialExpo Uzbekistan" халқаро кўргазмаси иш бошлади. 7 апрелга қадар давом этадиган мазкур нуфузли тадбир юртимизда халқаро кўргазма ва конференцияларни ўтказишга кўмаклашувчи «ZarExpo» компанияси томонидан ташкиллаштирилган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда "Ўзиккиламчиранглиметалл" очиқ турдаги акциядорлик жамияти унинг расмий ҳомийлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқлари бўлмиш металлургия, кимё ва энергетика саноатида катта аҳамиятга эга воқеликка айланиб бормоқда. Унда асосий эътибор қора ва рангли металлургия, машинасозлик ҳамда тоғ-металлургия комплексларига назорат-ўлчов техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кимё, нефть-кимё корхоналарига хомашё, ускуналар, дизель-генераторлар, кичик қувватли электростанциялар етказиб бериш, бензин ва дизель, энергетик ускуна ҳамда технологиялар, улардан фойдаланишнинг қулайлик ва хавфсизлиги каби жиҳатларга қаратилади. Муҳим томони шундаки, кўргазмада иштирок этиш истагини билдираётган хорижий давлатларнинг йирик саноат корхоналари сафи ҳам тобора кенгайиб бораяпти. Масалан, Россия, Қозоғистон, Украина, Қирғизистон ва Германиянинг 30 га яқин етакчи саноат корхоналари қатнашаётгани фикримизга ёрқин далилдир.

Павильонларни айланар эканмиз, яна бир жиҳат диққатимизни тортди: иштирокчиларнинг асосий қисми россиялик ишбилармонлар вакилларидан иборат. "Мосэлектрошит — Россия", "Электрошит — Самара" компаниялари гуруҳлари, Свердловск ток-трансформаторлар заводи", "ТД Бранчин электромеханика заводи", "Подъем-транспорт ускуналари заводи" ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, "Тольятти трансформатор" ҳамда "Сода-хлорат" масъулияти чекланган жамиятлари, "Диамех-2000" фирмаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, эндиликда бу жараён ўзининг амалий натижаларини ҳам бераяпти.

Кўргазма доирасида, шунингдек, Россия — Ўзбекистон бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда Россия Савдо-саноат палатаси раиси бошчилигида мазкур давлатнинг 50 дан ортиқ компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбир якунида икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида халқаро тижорий арбитраж соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Умуммамлакат марафони

Марра яқин

Наврўз байрами ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони иштирокчилари марра томон тобора яқинлашмоқда.

Намангандан старт олган водийлик югурувчиларга Ангренда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Жиззах, Сирдарё вилоятлари вакиллари ҳам қўшилишди. Улар пойтахтимиз марказида салобат тўкиб турган Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Кеча учинчи йўналиш иштирокчилари Сирдарё вилояти ҳудудида катта тантана билан кутиб олинди.

Нукусдан бошланган биринчи ва Термиздан йўлга чиқан иккинчи йўналиш қатнашчилари қадим Бухорода учрашдилар. Вобкент, Ғиждувон туманлари ҳудудида марафончиларни минглаб кишилар олқишлаб туришди. Ушбу йўналиш югурувчилари кеча кечқурун Навоий шаҳрида тўхташди. Асосийси, ҳар бир аҳоли пунктида марафончилар ушбу тадбир моҳияти ҳақида минглаб мухлисларга сўзлаб бермоқдалар.

— Яқинда мамлакат миқёсида ўтказилган енгил атлетика турнирида иккинчи ўринни эгаллагандим, — дейди Амударё туманидаги 30-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилноза Мирзаева. — Марафонда ҳам совринли ўринларни олишга ҳаракат қиламан. Асосийси, мусобақа туфайли юртимизнинг кўплаб жойлари билан танишиш имконига эга бўлаяпман, дўстлар орттираяпман.

Ўз мухбиримиз.

Биз бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги арафасида турибмиз. Айни кунларда ана шу сананинг дебочасини нишонлашга муносиб тайёргарлик кўрилмоқда. Аслини айтганда, мустақиллик йилларида Амир Темур шахсияти ва унинг тарихий фаолиятига халқимизнинг муносабати тубдан ўзгарди. Асрлар мобайнида маломат ва мунозаралар ичида қолиб келаётган бу улуғ тарихий шахснинг номи ва хотираси айнан шу йилларда юксак қадр-қиммат осмонига кўтарилди.

АМИР ТЕМУРНИ АНГЛАШ – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Маърифат соати

Бу тўғрида сўз очадиган бўлсак, биринчи навбатда, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тарихий хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтгимиз келади. Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк кунларидаёқ соҳибқирон бобомизнинг ҳурмат ва эҳтиромини мамлакат ва дунё миқёсида ўрнига қўйишга дадил киришди. Амир Темур — миллатимиз фахри ва ғурури, суянадиган тоғдай таянчи эканлигинга ўз маърузаларида қайта-қайта таъкидлади. «Амир Темурни англаш ўзлигимизни англаш — демакдир» деган теран фалсафий ҳикматли иборани Юртбошимиз ўша, истиқлолнинг биринчи кунларида халқимизга қарата айтганлиги ҳаммамизнинг ёдимизда.

Президентимиз ташаббуси, матонати билан мамлакатимизда Амир Темур шахсига нисбатан шаклланган тарихан адолатли ёндашув бугун бутун дунё миқёсида бу улуғ зотга бўлган қарашлар ва хулосаларни ҳам аста-секин ўзгартирмоқда. Амир Темурнинг умуминсоният олдидаги тарихий хизматларини халқаро илмий-сиёсий анжуманларда холис, тўғри баҳолашга, буюк шахсиятини атрофлича англашга интилишлар кўзга ташланмоқда.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида, бир вақтлар Кауфман, Сталин, Карл Маркс ҳайкаллари турли тарихий даврларда қад кўтарган манзилда бугун Амир Темур бобомизнинг куч-ғайратли, шижоатли тулпорини жиловлаб, ҳозирги авлодларга салобатли разм ташлаб: «Куч — адолатда» деб нидо қилаётган ҳайкали маҳобат тўкиб турибди. Аввало, Амир Темурни бугун янгича тушунишимиз ушбу ҳайкал салобатида яққол намоён. Қолаверса, уни ўзимизга, ўзлигини англаган миллатимизга қўйилган ҳайкал, десак бўлади. Биз, мустабидлик кишанларини парчалаб, ўз миллий баҳодирларининг қадр-қимматини қатъий ҳис этаётган ҳозирги ўзбекистонликлар, бу ҳайкалда онгимиздаги ва қалбимиздаги ана шу ўзгаришларни яққол ифода этдик.

Бугунги авлодлар Амир Темурни миллат фахри ва ғурури деб билаётир. Янги авлод онги ва қалбидаги бу ўзгариш ўзликни англашдаги муҳим ютуқларимиздан яна биридир. Ёшларимиз олдида эса келгусида катта вазифалар турибди. Сир эмас, Амир Темур шахсиятига умумбашарий қарашларда тузатишга муҳтож ҳолатлар оз эмас. Масалан, битта ёндашувни олиб кўрайлик. Амир Темурни ҳамон Атилла, Александр Македонский, Чингизхон сингари, изидан офат, ўлим, вайронгарчиликлар қолган фотиҳлар қаторида тилга олишади. Аслида шундайми? Тўғри, ҳарбий юришлар кўнгилсизлик келтиради. Аммо Амир Темур юришларининг бош маъносини бир ўйлаб кўрайлик. Масалан, у Туронзамин дахлсизлигининг ашаддий ёвларидан бири Тўхтамишни бир ёқли қилиш учун Евроосиё даштларига шахд ила от сурди. Аммо Тўхтамишни ва у бошлиқ Олтин Ўрдани тор-мор этгач, улуғ саркарда от жиловини қадимги Русь ва Украина чегараларидан орқага бурди. Чунки асосий мақсадига эришган эди. Уни Туронзамин дахлсизлиги қизиқтирар эди. Буни «фотиҳлик» деб бўладими? Ёки соҳибқирон бобокалонимиз султон Боязидга қарши юриш қилди. Бу ўринда яна тарих далилларини эслайлик: султон Боязид Туронзамин душманларини ўз ҳимоясига олган эди. Бундай қилмасликни сўраб Амир Темур йўллаган мактубларга эса менсимай қаради. Менсимадигина эмас, жавоб мактубларида Амир Темур шахсиятига, ор-номусига путур етказадиган киноя, кесатиқ ва ҳатто дўқ-пўписаларни қилди. Бобокалонимиз барибир ўзини вазмин тутиб, охирги дипломатик чора-тадбирларни кўрди. Булардан иш чиқмади.

Охир-оқибатда, султон Боязид устига қўшин тортди. Боязид енгилди. Қарангки, Амир Темур учун Европага йўл очилган эди. Аммо у от жиловини тағин орқага бурди. Нега? Чунки соҳибқирон она Ватани — Туронзаминга ғарбдан хавф солиб турган таҳдидли ва таҳликали кучни бартараф этди. Бўлди! Унга яна нима керак? Бунинг устига, Боязид асоратидан холи бўлган Европа давлатлари раҳбарлари ўз халоскоридан миннатдор бўлишиб, элчилар жўната бошлади. Бундан у мамнун эди. Хўш, Амир Темурнинг бу юришини ҳам «фотиҳлик» дейиш инсофданми?

Амир Темур фавқулодда кучли иродаси, азму шижоати, энг муҳими, оламшумул тарихий хизматлари билан ҳаётлик пайтидаёқ инсониятни ўзига эҳтиромли муносабатда бўлишга кўндирган эди. Мана, етти асрки, унинг кучли руҳияти, хотираси ҳам матонат билан яна ўзига йўл очмоқда. Уни улуғлаш ва қоралаш, алқаб-ардоқлаш ва хуш кўрмаслик, куйлаш ва қарғаш, қиёслаш ва беқиёс деб билиш, хуллас, турфа хил баҳолашлар давом этмоқда. Чунки Амир Темур — ниҳоятда катта тарихий сиймо. Улчовлар, мезонлар, қарашлар ва хулосалар қамровига сиғмайди. «Амир Темур қандай шахс?» деган масала инсоният олдида қайта ва қайта турaверади. Унга қизиқиш сўнмайди. Унинг номи ва иши доимо илмий, сиёсий, мафкуравий, маънавий қарашлар майдонида энг эҳтиросли мавзу ва масала бўлиб қолаверади.

Соҳибқирон Туронзаминни нафақат дахлсиз сақлади, балки уни ер юзининг қудратли, обод ва фаровон салтанатига айлантириш йўлида ҳам оламшумул хизматлар қилди. Бежизга дунё тарихчилари Амир Темур даврини «олтин аср» деб баҳолашмайди. Бу заминда бунёдкорлик, ҳунармандчилик, маданият, илм-фан, иқтисодиёт мислсиз гуллаб-яшнади, Темур ва темурийлардан қолган ёдгорликлар ҳамон миллат бойлиги бўлиб келаяпти. Худди шу даврда дунёга келган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк туркий сиймоларнинг туғилиши ва рўёбга чиқиши учун ҳам «Темурийлар даври» тарих учун керак ва зарур эди.

Бугун мамлакатимизда Амир Темур ишлари ва анъаналари барқ уриб давом этмоқда. Биз бобомизни англаб, ўгитларига қулоқ тутиб яшаб, уни тараққиётимизга ҳамкор қилиб олдик. Масалан, у бунёдкорликни эъзозлар эди. Биз ҳам яратувчиликни кенг йўлга қўйдик ва бундан мамлакатимиз кун сайин обод бўлаяпти. Амир Темур юрт озодлиги учун ўзини фидо қилишга тайёр эди. Ўзбекистон фарзандлари Мустақиллик йўлида темурона жасоратларни қайта ва қайта намойиш этаяптилар. Амир Темур ўтганлар қадри ва хотирасини табаррук, деб биларди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатда шу қадар катта ишлар қилиндики, буни дунё тан олмоқда. Бобокалонимиз адолатли улуғланган эди. Биз адолатли, ҳуқуқий-демократик давлат ва жамият қуришга киришдик. Бизда ўзликни англаш давом этмоқда. Бу йўлда бизни Амир Темурдай буюк сиймолар руҳи қўллайверади.

М. САФАРОВ.

раҳбари имзолайди»;

10) **23-модданинг иккинчи қисмидаги** «аъзоларининг умумий йиғилиши» ва «бошқа органларининг» деган сўзлар тегишинча «кенгаши» ҳамда «кенгаши ва тафтиш комиссиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **25-модда учинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит, шунингдек кредит уюшмаси аъзоси бўлмаган шахсларнинг кафиллиги ёки кафолат билан таъминланиши мумкин».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 апрель.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

ган ҳолда ёзма равишда юборилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ариза барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан кўпи билан ўн кун муддатда амалга оширилади. Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган ариза янгитдан берилган ҳисобланади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) **6-модданинг**:

биринчи қисмидаги «молиявий операциялар» деган сўзлар «молиявий ва касса операциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

кредит уюшмаларининг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини текширади;

Буклаш чизиғи

кредит уюшмаларининг фаолияти тўғрисида ахборот олади;

кредит уюшмаларининг фаолиятини текширади;

кредит уюшмасининг фаолиятини аудитдан ўтказишга доир талабларни белгилайди;

кредит уюшмаларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

ижро этувчи орган раҳбарларининг малакасига доир талабларни белгилайди;

молиявий операциялар ўтказилишини олти ойгача бўлган муддатга чеклайди, шунингдек филиаллар тузишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўяди;

кредит уюшмаси лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ёки лицензияни бекор қилади»;

5) **10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ўз аъзолари билан лизинг операцияларини амалга ошириш;

Шу азиз Ватан — барчамизники!

АНДИЖОН ТААССУРОТЛАРИ

Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган кунлари бир гуруҳ зиёлилар, ижодкорлар билан Андижон вилоятига сафар қилдик.

Олтин водий нафасини Қамчиқ довонидаёқ қалбдан туйдик. Ҳа, илгари ҳам бу довондан ошганмиз. У пайтлардаги Қамчиқ ва Резак ниҳоятда тор ва йўл илма тешик бўлиб кетган эди. Тепага кўтарилишда зўриққан автомобиллар радиатори суви қайнаб кетар, кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериши оддий ҳол эди.

Мустақиллик йилларида бевосита Президентимиз И. А. Каримов ташаббуси билан довон тўлалигича қайта қурилди. Балки қайта туғилди, десак тўғри бўларди.

Маълумки, азалий қадриятларимизда йўл ва кўприк қуриш энг савоб иш ҳисобланган. Халқ тилида бежиз, «Йўл азоби — гўр азоби» дейилмаган. Йўл қурган ва бу ишга бош-қош бўлган инсонлар миллионлаб одамларни мана шундай азобдан халос қилади. Йўлларсиз ҳаётни ҳам, тараққиётни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Йўлга қараб юртнинг ободонлигига баҳо берилади. Шу жиҳатдан довон ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак оз. У қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига барпо этилганини асло ёддан чиқармаслигимиз керак. Таъмирлаш ишлари бошланиши биланоқ бу лойиҳанинг кўламидан чўчиб кетган баъзи "дўстларимиз", бундай ишлар ўзбекларнинг қўлидан келмайди, деган гаплар қилишди.

Очиғи, дастлаб довон ҳозиргидек бўлишини биз ҳам тасаввуримизга сиғдира олмаганмиз.

Бугун Қамчиқ довони нафақат Фарғона водийсини бошқа ҳудудлар билан, балки Шарқни Ғарб билан боғлаб турган "ҳаёт йўли"га айланди. Бир ўйлаб кўрайлик, агар ўз улуғворлиги билан барчамизни ҳайратга солаётган бу йўл барпо этилмаганида, баъзиларга ўхшаб "бизга шу ҳам бўлаверади", деб тақдирга тан бериб ўтирганимизда ҳолимиз не кечарди, кунимиз кимларга қоларди, кимларнинг қошу қовоғига қараб яшардик?

Дунё пайдо бўлибдики, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш давом этиб келмоқда. Кимдир бунёд этса, кимдир уни вайрон қилишга, кимдир тузса, кимдир бузгиси келади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан ичи куйиб, не-не машаққатлар билан қурган бино ва иншоотларимизни, жумладан, Қамчиқ довонини бузиш каби қабиҳ ва ёвуз ниятли кимсалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Андижон фожиасини уюштирган кучларнинг мақсади ҳам бизни келажакка элтувчи йўлни тўсмоқчи бўлган. Буни қарангки, улар ўзларини мусулмон деб аташган. Исломда улуғ савоблардан бирига тажовуз қилган кимса қандай қилиб мусулмон бўлсин?!

Чинобод чиндан ҳам обод

Мана шундай турфа хаёллар оғушида чамандек гуллаган дарахтлар билан безанган Фарғона водийсига кириб бордик. Йўллар кенг ва равон, четларига гуллар ва ям-яшил арчалар экилган.

Ҳар бир ҳовли саранжом-сариштa, гиёҳ кўкармаган бир қарич ҳам ер топа олмайсиз. Йўл ёқасидаги чойхоналар юзларидан нур ёғилиб турган оқсоқоллар билан гавжум.

Андижон шаҳрига кираверишда Чинобод деган манзилга тўхтадик. Шундоққина йўл ёқасида истиқлол даврида барпо этилган Алишер Навоий номли қўшма корхонанинг кенг ҳовлисида қарийб бир ярим минг кишидан иборат ишчилари Наврўз айёмини нишонлашаётган экан. Меҳмонлигимизни билишди чоғи, алоҳида ҳурмат ва тавозе билан бизни ичкарига таклиф қилишди. Ўртадаги дастурхон турли-туман Наврўз таомлари ва ноз-неъматлари билан тўла. Саҳнада хушовоз хонанда Абдулҳай Каримов завқ билан қўшиқ айтмоқда. Ўртада ўйнаётган одамлардан уларнинг кайфиятини шундоқ билиш мумкин. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, кун сайин ривожланиб, кенгайиб бораётган қўшма корхонада байрам шундай нишонланиши табиий ҳол. Корхона ишчиларининг аксарияти ёшлар. Агар ҳар оилада ўртача беш киши бўлса, бугун бу корхона қарийб олти минг кишининг ҳаётини фаровон қилиб турибди.

Бундан ўн беш йил аввал кимдир Чинободда дунёдаги энг замонавий фабрика қурилади ва унда ўз ватандошларимиз ишлашади деса, ҳеч ким ишонмасди. Ҳозир Андижон вилоятида шунга ўхшаш қарийб саксонта қўшма корхона мавжуд.

Супермаркет, дўкон, ошхона қурган андижонликларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Ҳар бир кўчада, ҳар бир маҳаллада кечаги хом ғиштдан қилинган, пастқам уйлар ўрнида қўш қаватли кўркам иморатлар қад ростламоқда.

Хўш, ўзларича нималарнидир даъво қилиб чиққан ёвуз кучлар Андижон учун нима қилиб берди? Бу саволга аниқ жавоб бор: улар ташқаридан турган буюртмачиларнинг буйруғига биноан бегуноҳ одамларнинг қонини тўкди, болаларни етим қилди, оналарни фарзанд доғида куйдирди, кўркам биноларга ўт қўйди, машиналарни ёқди, халқ мулкини талон-торож қилди.

Олтинкўллик Тангемлар

Чинободдан чиқиб, Олтинкўл туманида нишонланаётган Наврўз тантаналарини томоша қилдик. Олтинкўл ҳам бошқа туманлар каби кўркам, обод ва озода. Ҳар қадамда янги-янги қурилишлар олиб борилмоқда, замонавий бинолар қад тушди. Тўғрисини айтганда, Тангем ҳам олтинкўллик опасингилларимиз олдида ип эша олмаслигига гувоҳ бўлдик. Камида етмиш хил бир-бирига ўхшамайдиган таом. Уларда аёлларимизнинг нозик диди, улкан салоҳияти акс этиб турибди. Дарҳақиқат, дунёда ўзбек аёлларидек пазанда, меҳрибон, оилапарвар, шармҳаёли аёллар кам бўлса керак. Қайси ғарб мамлакатларида истиқомат қилувчи аёл эрта туриб ҳовли супуради, меҳр билан нонушта тайёрлайди, ҳар куни бир-бирига ўхшамайдиган таомлар пиширади, меҳмон келса жон фидо қилиб, иззат-икром билан кутиб олади. Қайси ғарб аёли эркакларни шу қадар ҳурмат қилади?

Минг афсуски, аёлдек буюк ва мунис зотлар онгини заҳарлаб, тирик бомбаларга айлантириш, уларни ўрта асрдагидек жаҳолат ботқоғига чўктириш, илм-фан тараққиёти, сиёсий ҳаётдан узиб ташлаш каби тубан мақсадлар билан яшаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси ва лойиҳасига биноан мамлакатимизнинг бош майдонида аёл зотига бўлган ҳурмат-эҳтиромни, қалбимиз тўридаги таъзим ва ташаккуримизни яна бир бор ёрқин ифодалаш мақсадида Бахтиёр Она ҳайкали ўрнатилди. Бу халқимизнинг Онага бўлган юксак ҳурматининг ёрқин рамзидир.

Андижон метроси

Андижонга кириб борган киши бошқа шаҳарларда кам учрайдиган, кишини ҳайратга соладиган бир манзаранинг шоҳиди бўлади: шаҳарда "Дамас"лар эшелонга ўхшаб тизилиб юришади. Бекатларда бир дақиқа ҳам транспорт кутиб туриб қолмайсиз. Ғиз-ғиз елиб юрган «Дамас»лар узоғингизни яқин қилади. Атиги юз-икки юз сўм билан истаган манзилингизга элтиб қўйишади. Ваҳоланки, шаҳар кўчаларида ҳаракатланиш осон эмас. Йўллар кенг ва равон, аммо автомобиль кўп. Бу ҳам юртимиз салоҳиятини ифодалаб турибди. Қувонарлиси, уларнинг деярли ҳаммаси Асакада ишлаб чиқарилган.

Инсоннинг табиати шундай, у яхши нарсаларга, жумладан, тинчлик ва осойишталикка, рўшноликка тез кўникиб кетади. Улар, бир қарашда, ўз-ўзидан бўлаётгандек туюлади. Бир ўйлаб кўрайлик, ҳозирги пайтда Ўрта Осиёнинг қайси мамлакатида енгил машина ишлаб чиқарилади? Бундан ўн беш йил олдин бизнинг миллий автомобилларимиз бўлишини, улар чет элларга, жумладан автомобиль салтанатига эга Россияда ҳам энг харидоргир улов сифатида сотилишини тасаввуримизга сиғдира олармидик? Йўқ, албатта. Ҳатто велосипед ишлаб чиқарилишига ҳам кўзимиз етмасди. Бугун болангизга биз бир вақтлар орзу қилган "Жигули" ёки "Волга" олиб бераман, десангиз хурсанд бўлмайди.

Вилоятда нечта ҳожи бор?

Бугун муқаддас ислом дини номидан гапирадиган, ўзини дин арбоби деб кўрсатадиганлар учраб турибди. Тақводорлигини эл кўзида намойиш қиладиганлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Муқаддас ислом динимиз ниқоби остида тинчлигимизга раҳна солишга уринаётган калтабинлар ва жоҳиллар ҳам йўқ эмас. Ким билсин, агар мустақиллик бўлмаганида уларнинг ҳаммаси атеизмдан, яъни даҳрийликдан имтиҳон топшириб, ҳамон "Дин — афюн" деб юришармиди? Бу "қаҳрамон" лар 90-йилларда мусулмонлар ҳаттоки жанозаларга боришга чўчиб қолишганда, масжидлар заҳарли ўғитлар сақланадиган омборхоналарга айлантирилганда, ўқувчиларга "домла" деган сўзни талаффуз қилиш тақиқланган паллада қаерда эди?

Ўзбек халқи, худога минг қатла шукур, 70 йил давом этган даҳрийлик қатағони даврида ҳам ўз иймони ва эътиқодини йўқотгани йўқ. Мустақиллик бизга виждон эркинлигини, эмин-эркин тоат-ибодат қилиш ҳуқуқини берди.

Бугун юртимиздаги масжидларнинг сони 2000 дан ошиб кетди, юзлаб қадамжолар, зиёратгоҳлар қайта тикланди, таъмирланди! Биргина Андижон вилоятининг ўзидан ҳар йили ўрта ҳисобда 700 киши ҳаж сафарини адо этмоқда! Демак, вилоятнинг ўзида ҳозир қарийб 10.000 нафарга яқин ҳожи бор!

Биргина виждон эркинлигини қайтариб берганлиги учун ҳам Мустақиллик деб аталган неъматнинг қадрини баланд тутишимиз керак.

Хотима ўрнида

Мен тўқсонинчи йилларда ҳам Андижон вилоятида бўлганман. У пайтлар кеч бўлди дегунча кўчалар ҳувуллаб, шаҳар зулмат қўйнига чўмарди. Жиноятчилик авжига миниб, одамларнинг уйига бостириб кириш, мол-мулки, машиналарини ўғирлаш оддий ҳол саналар эди. Шўролар тузуми инқирозга юз тутганлигидан фойдаланиб қолган жиноятчилар ўзларича ҳакамлик қилиб, уларни жазолаш, ҳаттоки осишгача ҳам бордилар. Кимга арз қилишни билмай чорасиз қолган одамларнинг руҳи тушиб, эртанги кунга бўлган ишончи тобора сўниб борарди. Қисқа вақт ичида Президентимиз етакчилигида уюшган жиноятчиликка қарши ўт очилди, вилоят қиёфаси ва одамлар тафаккурини тубдан ўзгартириб юборадиган ислоҳотлар амалга оширилди. Бу алоҳида китобга мавзу, албатта.

Водий дурдонаси бўлган Андижонни яна ўша қонунсизлик рутубатига чўктириб, ҳимоясиз одамларнинг устидан чексиз ҳукмронлик ўрнатишни, илм-фан ва спорт соҳасида қадамба-қадам жаҳон шоҳсупаларини забт этаётган ёшларни тараққиётдан узиб олиб, жаҳолатга ботган оммага айлантириш каби ёвуз мақсадлар илинжида юрган манфур кучлар йўқ эмас. Биз буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак.

Баъзида одам ўйлаб-ўйлаб охирига етолмайди: қандай қилиб ярим тунда қўлига қурол олиб қамоқхонага ҳужум қилган, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкканларни "тинч намойиш"чи дейиш мумкин. Бу бўҳтон туҳматлардан кўзланган мақсад нима? Ғарбдаги бирон-бир мамлакатда шундай бўлишига йўл қўйиладими? Йўқ, албатта. Демак, мана шу саволлар тўғрисида ҳаммамиз бош қотиришимиз керак. Гап демократия ҳақида эмас, балки бизни ўзига қарам қилмоқчи бўлганлар ҳақида кетмоқда: уларнинг асл муддаолари, қайси йўл билан бўлмасин, халқимизни таналаган йўлидан қайтариш, бойликларимизга эга чиқиш, иродамизни синдириш.

Улар қаттиқ адашишади, уларга эргашганлар ҳам адашганлардан. Эркинлик ва демократия ниқоби остидаги ўйинлар, бизга ўтмайди. Ҳеч ким ҳеч қачон бизнинг кўп минг йиллик давлатчилик тажрибасига эга халқимизнинг устидан "рангли инқилоб" синовларини ўтказа олмайди.

Фарғона водийсидаги тинчлик ва барқарорликка тажовуз қилиш, бегуноҳ одамларнинг қони тўкиладиган можаролар келтириб чиқаришга уриниш бундан аввал ҳам бўлган. Лекин ҳеч қачон ёвуз кучлар ўз мақсадига эриша олмаган. Чунки доно халқимиз кўпни кўрган, дўст билан душманни ажрата оладиган донишманд халқ. Кимга эргашишини ўзи яхши билади. Унинг ишонган етакчиси, Юртбошиси бор. Гап фақат Ўзбекистон ҳақида эмас, балки Ўрта Осиёнинг тақдири ҳақида кетмоқда. "Туркиш уикли" ҳафтаномасида таъкидланганидек,"...Ислом Каримовнинг жонкуярлиги, жасорати ва қатъиятлиги туфайли минтақада хунрезликнинг олди олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу мардонавор хизмати нафақат қўшни давлатлар раҳбарлари, балки ўтиш даври тарихи тадқиқотчилари томонидан ҳам муносиб баҳоланди". Шундай қилиб, доимо минтақамиздаги вазият Ўзбекистондаги вазиятга боғлиқ бўлиб келган. Яъни, Ўзбекистондаги барқарорлик минтақамиздаги тинчлик ва осойишталикнинг кафолатидир.

Демократияга келадиган бўлсак, биз бу йўлни баъзилардек шунчаки замонасозлик, ҳавас, кимларгадир ёқиш ёки уларнинг олдида ҳисобот бериш учун эмас, балки миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда танлаганмиз. Биз ўзгаларнинг қошу қовоғига қараб яшаш учун мустақил бўлганимиз йўқ. Биз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун мустақил бўлдик. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Қуддус АЪЗАМОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2006 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, хориж инвестициясини жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизмат турларини кўпайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини қайта қуриш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилди.

Ўтган давр натижалари бўйича 114,6 млрд. сўмлик, жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникациялар технологиялари соҳасида 110,2 млрд. сўмлик (ўсиш — 2005 йилнинг I чорагига нисбатан 36,4 фоиз), ахборот ва матбуот соҳасида 4,4 млрд. сўмлик (ўсиш — 14,7 фоиз) хизматлар кўрсатилди.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони бир миллион 300 мингтага етгани, Интернет тармоғи хизматидан фойдаланувчилар сони бир миллион саксон мингтани ташкил қилгани таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги инвестиция дастурига оид қарорининг ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажаришда масъулиятини ошириш таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан ва ушбу йиғилиш баёни топшириқларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, ижро интизомини кучайтириш, идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ва тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

Ўзбек кураши – Пан Америка ўйинлари остонасида

(Давоми. Боши 1-бетда).

3 апрель куни Бутунжаҳон Олимпия қўмиталари ассоциацияси ва Кураш халқаро ассоциацияси раҳбарияти ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди. КХА раҳбарияти Марио Вазкесга курашимизни Пан Америкада ривожланишидаги ва Доминикан ўйинлари қаторидан жой олишидаги жонбозлиги учун миннатдорчилик билдирди. Кураш халқаро ассоциацияси ижроқўм аъзолари қарорига биноан миллий қадриятимизни оммалаштиришдаги улкан хизматлари учун Марио Визкесга КХАнинг Олтин ордени топширилди ва у Пан Америка кураш конфедерациясининг фахрий президенти этиб сайланди.

Ўз навбатида, Вазкес жаноблари бундай эътибор учун КХА раҳбариятига миннатдорчилик билдирар экан, ўзбек курашининг спорт оламидаги ривожланишига алоҳида тўхталиб, кейинги йиллари бўлиб ўтадиган Пан Америка ўйинлари таркибига ўзбек курашини киритишда ўз кучини аямаслигини таъкидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Савобли тадбир

Ташкил топганининг 12 йиллигини нишонлаётган Болалар жамғармасининг Жиззах шаҳар бўлими ажойиб тадбир уюштирди. Шу санага атаб шаҳардаги кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзандининг хатна, 12 нафарининг мучал тўйини ўтказди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бўлган тўйга 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда ўзгалар ёрдамига муҳтож 200 нафарга яқин ўғил-қизлар таклиф этилди. Дастурхон атрофидаги уйин-кулгу, қўшиқ ва рақслар барчага хушнуд кайфият бағишлади. Тўйболаларга бошдан-оёқ сарпо, тадбирнинг фаол иштирокчиларига совға-саломлар улашилди.

Болалар жамғармаси шаҳар бўлими раҳбари Дилором Расулова тадбирни уюштиришда «Парвина-парвоз» ишлаб чиқариш корхонаси яқиндан ёрдам берганлигини алоҳида таъкидлади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Кредит уюшмалари тўғрисида»**ги 355—II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4—5, 65-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадларида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган тартибда филиаллар тузиш»;

6) **11-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«молиявий ва касса операциялари ўтказишнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган қоидаларига риоя қилишга»;

учинчи – олтинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи – еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошиси «эълон қилиш ва» деган сўзлардан кейин «ўз вақтида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **19-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошиси «шунингдек тўлов миқдорлари ва муддатларини белгилайди» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи ва **олтинчи хатбошилари**да «Кредит уюшмаси кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилотидир»;

2) **4-модданинг учинчи қисми:**

биринчи хатбошиси «лицензия берилиши учун» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки унинг ҳудудий бошқармасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жойлашган ери (почта манзили) кўрсатилган ҳолдаги рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза»;

3) **5-модда**:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат рўйхатидан ўтказишни ва лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига рад этиш сабаблари ҳамда ариза берувчи мазкур сабабларни бартараф қилиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилдаги «кредит қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **21-модданинг бешинчи қисми**:

олтинчи хатбошиси «органни» деган сўздан кейин «ҳамда кредит қўмитасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«кредит уюшмасининг бўлинмалари тўғрисидаги низомни, шунингдек сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;

кредит уюшмасининг филиалларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш»;

еттинчи ва **саккизинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

9) **22-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро этувчи орган раҳбари ва ходимлари кредит уюшмаси билан меҳнат шартномаси тузадилар. Кредит уюшмаси номидан кредит уюшмаси ва ижро этувчи орган раҳбари ўртасидаги меҳнат шартномасини кенгаш раиси имзолайди. Кредит уюшмаси номидан меҳнат шартномаларини ижро этувчи орган

Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

6 3 2 7

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

«Ўзэкспомарказ»да ўн биринчи «Соғлиқни сақлаш TIHE — 2006», биринчи ихтисослашган Марказий Осиё «Фармация — 2006» ва иккинчи «Стомотология, Ўзбекистон —2006» халқаро кўргазмалари давом этмоқда. Кўргазмани Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдосаноат палатаси, Стоматологлар уюшмаси, «Ўзбектибтехника» «Дори-дармон» акционерлик компаниялари, ITE Uzbekiston ва ITE Group халқаро кўргазма компаниялари ҳамкорликда ташкил этди. Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз тиббиёт тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти аҳоли, хусусан, оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънан ва жисмонан камолга етказишга қаратилганини таъкидлади.

Бу борада ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётда татбиқ этилмоқда. Янгидан-янги шифо масканлари ишга туширилиб, кўпгина тиббий муассасалар қайта таъмирланмоқда ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишда етакчи халқаро ташкилотлар, нуфузли илм-фан марказлари, йирик саноат корхоналари билан ҳамкорлик ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Ўн биринчи марта ўтказилаётган кўргазмада ўтган давр мобайнида дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатидан дори-дармон воситалари ва тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи кўплаб компаниялари иштирок этмоқда. Натижада, жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётган самарали тиббий воситалар, дори-дармонлар мамлакатимиз фармацевтика бозорига кириб келди.

Айни пайтда юртимизда маҳаллий хомашё асосида тиббиёт воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида бир қанча қўшма корхоналар ишга туширилди. Бу галги кўргазмада йигирмага яқин мамлакатдан юздан кўпроқ компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этаётир. Улар орасида Франция, Германия, Австрия, Венгрия, Исроил, Италия, Эрон, Покистон, Туркия, Россия каби мамлакатлар вакиллари бор.

Кўргазмадан стоматология мебеллари, замонавий асбоб-ускуналарига алоҳида ўрин ажратилгани бежиз эмас. Унда йигирмадан кўпроқ хорижий компания тиш даволашга мўлжалланган техника ва технологиялари, дори-дармонлари билан иштирок этишмоқда.

Тадбир доирасида стоматологлар анжумани ўтказилади. Унда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Германия ва Қозоғистондан келган мутахассислар ҳам қатнашади.

Кўргазма 7 апрелгача давом этади.

Юлдуз РИЗАЕВА.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Халқаро ҳамжамиятга мактуб

Фаластин мухториятининг ХАМАС гуруҳидан шаклланган янги ҳукумати ўз қўшнилари билан тинч-тотув яшашни хоҳлайди. Мухториятнинг ташқи ишлар вазири Маҳмуд Захар томонидан БМТ Бош котиби номига йўлланган мактубда шу ҳақда гап боради. Вазир халқаро ҳамжамият мухториятни мустақил давлат сифатида қўллаб-қувватлаб, янги ҳукумати билан ҳамкорлик қилишига умид билдирди.

Бундан ташқари, мактубда янги ҳукумат Исроил билан жиддий музокаралар ўтказишга тайёр эканлиги билдирилган. БМТ вакили мазкур мактуб халқаро ҳамжамият томонидан эътиборга олинишини таъкидлади.

Дунё бозорида олтиннинг нархи охирги 25 йил мобайнида энг юқори кўрсаткичга чиқди.

Олтин нархи ошмоқда

Ўтган ҳафтанинг сўнгги кунларида Европада бир унция олтин учун салкам 580 АҚШ доллари берилди. Сўнгги чорак асрлик натижаларни ҳисобга олсак, кумушнинг нархи ҳам энг юқори даражага етгани маълум бўлади. «Оқ олтин» (платина)га эса 25 йил мобайнида энг рекорд нарх — 1098 доллар берилди. Мутахассисларнинг айтишича, қимматбаҳо металларга бўлган талаб Исроилдаги сайловлар, шунингдек, Яқин Шарқдаги вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ равишда ўсмоқда.

2005 йилнинг охирида мамлакатлар захирасидаги олтин миқдори 27,665 минг тоннани ташкил этган эди.

Мини банклар — кичик бизнес ҳамкори

Республикамиз иқтисодиётида олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтиришда мамлакатимиз банклари энг яқин ҳамкор ва кўмакдош ҳисобланади.

Жумладан, бугунги кунда республикамизнинг йирик инвестицион банкларидан бири — «Асака» банки барча вилоятларда ва айрим туманларда жойлашган 26 та филиалдан иборат тармоғи орқали сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Унинг кенг филиаллари тармоғининг фаолият юритиши ҳудудий банк бозорида кучли стратегик позицияни эгаллаш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга замин яратади.

«Асака» банкининг ҳудудий ривожлантириш сиёсатининг самарадорлиги ҳамда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши унинг фаоллигини таъминламоқда. Банкнинг мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари эса филиаллардан узоқда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар: деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ҳамда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг сифатли ва замонавий банк хизматларига бўлган талабларини қондирмоқда. Шуни айтиб ўтиш лозимки, бу турдаги кичик бўлинмаларда барча банк хизматлари: пул ўтказиш ва кредит бериш амалиётлари, аҳолидан омонатлар, коммунал, солиқ ва бошқа тўловларни қабул қилиш операциялари, халқаро пул ўтказмалари ҳамда пластик карточкалар бўйича хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

Банк томонидан ушбу йўналишда олиб борилган ишларнинг маҳсули сифатида 2005 йилнинг ўзида 25 та мини банк ва чакана банк хизматлари маркази очилиб, фаолият кўрсата бошлаганлигини айтиб ўтиш лозим.

Мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари кенгайишининг динамикаси (бирликда)



Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимизнинг қарорлари ижросини таъминлаш учун қишлоқ ҳудудларида «Асака» банки инфратузилмалари кенгайтирилмоқда. Хусусан, 2002 йил 5 январдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 8-сонли қарорига асосан, Сирдарё вилоятининг Янгиер туманида мини банк фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирда бу мини банк 62 та фермер хўжалигига барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

2003 йил 22 январдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 38-6-сонли қарори бўйича эса Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Сирдарё вилоятининг Гулистон туманларида ҳам мини банклар очилди. Мисол учун, «Зарбдор» мини банки 133 та, «Гулистон» мини банки 107 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатишдан ташқари, хусусий тадбиркорлар ва бошқа ташкилотларни ҳам хизмат кўрсатишга жалб этиб, мижозлар базасини тобора кенгайтириб бормоқда.

2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Навоий вилоятининг Кармана тумани, Наманган ва Жиззах шаҳарларида мини банкларни ишга тушириш орқали электр ва иссиқлик энергияси, газ ва бошқа турдаги коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш юзасидан аҳолига қулайликлар яратилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли қарори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ривожлантириш ишларини кенгайтирди. Ушбу тадбирларнинг муваффақиятли олиб борилишини таъминлаш учун Бухоро туманида қайта ташкил этилаётган «Маданият» ширкат хўжалиги ва Наманган туманидаги «Ирвадон» қишлоқ фуқаролари йиғини қошида «Асака» банкининг мини банклари ташкил этилди. «Маданият» ва «Ирвадон» мини банклари ҳудудларда янгидан тузилаётган фермер хўжаликларига барча турдаги банк хизматлари, жумладан пахта ва ғалланинг бўлғуси ҳосилини кредитлаш бўйича фаол ишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-255-сонли қарори ижросини таъминлаш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасига ихтисослаштирилган Охунбобоев номли ширкат хўжалиги (Андижон тумани), «Шербулоқ» ширкат хўжалиги (Наманган тумани), «Кўкёр» ширкат хўжалиги (Янгиқўрғон тумани), «Работ» ширкат хўжалиги (Бойсун тумани) негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига замонавий банк хизматларини кўрсатиш бўйича қулайликлар яратиш мақсадида эса мини банклар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу мини банклар янги фермер хўжаликлари ишини йўлга қўйишда уларга иқтисодий маслаҳат хизматларини кўрсатиш билан кўмаклашмоқда.

«Асака» банки аҳолига молиявий хизматлардан фойдаланишда янада қулайликлар яратиш мақсадида эса ўз мини банкларини аҳоли турар жойларида, аҳоли гавжум ҳудудларда, савдо ва ишбилармонлик марказларида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, Андижон шаҳрининг «Узумбозор», Жиззах шаҳрининг «Кўкбозор» ва «Халқобод» универсал бозори, Наманган туманининг «Жаҳон» бозори, Самарқанд шаҳридаги «Мармар» бозори, Тошкент шаҳридаги «Аския» бозори ҳудудларида мини банклар очилди. Шу билан бирга, Жиззах шаҳридаги «Шаҳноза» савдо уйи, Фарғона шаҳар савдо мажмуаси, Тошкент шаҳридаги «Пойтахт» ва «Бодомзор» савдо мажмуаларида мини банкларнинг ташкил этилиши нафақат аҳолига қулайликлар туғдирди, балки хусусий тадбиркорларга ҳам хизмат кўрсатишни йўлга қўйди.

Банкнинг йирик мижозлари қошида мини банклар ташкил этиш орқали улар билан янада яқинроқ ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Хусусан, «Қорақалпоқ йўл таъминлов» АЖ, «Тўрткўлтекс» ва «Берунийтекс» (Қорақалпоғистон Республикаси) қўшма корхоналари, «ЎзДЭУавто» ЁАЖ (Андижон вилояти), «Самгеология» ТҚБ (Самарқанд шаҳри), «Сурхонтекс» ҚК (Сурхондарё вилояти), «Автотеххизмат-Ф» АЖ ва «Соли-текс» МЧЖ (Фарғона вилояти), «Хоразмавтотеххизмат» АЖ ва «Боғоттекстиль» ҚК (Хоразм вилояти), «Яккабоғ-текс» ҚК ва «Қамаши тола» ШК (Қашқадарё вилояти), «Автотеххизмат» АЖ, «Libinvest» ҚК, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, «Ўзмарказимпекс» ДАТК (Тошкент шаҳри) ва бошқа корпоратив мижозлар қошида ташкил этилган мини банклар уларга тезкор ва зарур банк хизматларини кўрсатиш билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги вақтда «Асака» банкида 64 та мини банк ва 10 та чакана банк хизматлари маркази самарали фаолият кўрсатмоқда.

Республика вилоятлари бўйича «Асака» банкининг мини банклари тақсимоти

Ҳудудлар	Мини банклар сони
Қорақалпоғистон Республикаси	5
Андижон вилояти	7
Бухоро вилояти	7
Жиззах вилояти	4
Навоий вилояти	2
Наманган вилояти	6
Самарқанд вилояти	4
Сирдарё вилояти	2
Сурхондарё вилояти	5
Фарғона вилояти	6
Хоразм вилояти	4
Қашқадарё вилояти	6
Тошкент вилояти	—
Тошкент шаҳри	16

Фаолият кўрсатаётган мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари банк мижозларининг 13,2 фоизига хизмат кўрсатмоқда ва банк фойдасининг 11,0 фоизини шакллантирмоқда.

«Асака» банки томонидан ташкил этилган мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари тажрибасида шу нарса аҳамиятга молликки, етарли даражада мижозлар базаси ва ресурсларни шакллантирган мини банк ва чакана банк хизматлари марказлари негизида банкнинг алоҳида филиалларини ташкил этиш амалиёти кузатилмоқда. «Афросиёб» (Самарқанд шаҳри) ва «Давлатобод» (Наманган тумани) филиаллари ҳамда очилиш арафасида бўлган Бухоро шаҳар филиали шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Асака» банки хусусий секторнинг республика иқтисодиётидаги улуши ва аҳамиятини ошириш, қишлоқ хўжалигида молиявий барқарор фермерлик тармоғини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш борасида бундан буён ҳам ўз ишларини изчил давом эттираверади.

«Асака» банки матбуот хизмати.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Бош вазир истеъфоси

Таиланд Бош вазири Таксин Чинават ўзининг истеъфога чиққанлигини эълон қилиб, мамлакатдаги сиёсий кучларга мурожаат қилди. У мамлакатдаги сиёсий инқирозни тезроқ бартараф этиш учун турли ҳаракат ва партияларни бирлашишга чақирди. Унинг партияси ўтган душанба куни мамлакат парламенти учун бўлиб ўтган сайловларда 57 фоиз овоз олганди. Таксин телевидение орқали аҳолига мурожаатида мамлакатда юз бераётган сиёсий инқирозга барҳам бериш мақсадида шундай йўл тутганини таъкидлади.

Мухолифатчилар ва унинг сиёсий рақиблари Таксин Чинаватни коррупция ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилганликда айбламоқда. Таксин Чинават янги ҳукумат раҳбари сайлангунча, ўз ишини давом эттиради.

Рақобатга тўсқинлик қилаяпти

Еврокомиссия иттифоқнинг 17 та аъзосини энергетика бозорида рақобатни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини амалга оширмаётганлиги учун танқид қилди. ЕИнинг ижро органи ҳисобланган Еврокомиссия иттифоқ қоидаларини бузаётган ҳукуматларни расман огоҳлантирди. Манбада айтилишича, мазкур давлатларга нисбатан катта жарима қўлланилиши мумкин.

2007 йилга қадар Европа Иттифоқи ўз бозорларини бутун дунё тадбиркорлари учун очиб беришни қатъий режалаштирган. Бундан ташқари, Брюссель бир қатор аъзо мамлакатларни иқтисодиётнинг телекоммуникация, авиация бизнесида рақобатнинг жонланишига тўсқинлик қилаётганликда айблади.

76 миллион евро фойда келтирган қайтим

Дунёда навбатдаги мультимиллионер пайдо бўлди. 76 миллион евро ни брюсселлик киши лотереяда ютиб олди. Бу Бельгия тарихида лотереяга чиққан энг йирик ютуқдир. Жекпотнинг эгаси ҳақидаги маълумотлар ҳозирча сир тутилмоқда. Миллион евро ютуқ келтирган жекпотни у дўкондан харид қилган молига қайтим сифатида олган экан.

Оқ уй яна айбланяпти

«Халқаро амнистия» ташкилоти АҚШ ҳукуматини махфий қамоқхоналар борасида яна айблаб чиқди. Ташкилотдаги маълумотларга қараганда, америкалик жосуслар томонидан ўғирланган яманлик уч нафар фуқаро айни пайтда Шарқий Европанинг бирор давлатида сақланаётган бўлиши мумкин.



«Халқаро амнистия» экспертлари томонидан тайёрланган маъруза дастлаб терроризмда айбланиб, ҳеч бир айблов эълон қилинмасдан, Америкаликлар тарафидан турли зўровонликларга учраган шахслар берган маълумотларга асосланган. Расмий Вашингтон бу маърузага ўз муносабатини билдирар экан, қамоққа олинганларга нисбатан турли қийноқлар қўлланилишини қатъий инкор этди. АҚШ Марказий разведка бошқармаси ходимлари маърузадаги айбловларга изоҳ беришдан бош тортишди.

Халқаро ҳуқуқ ҳимоячилари МРБ томонидан амалга оширилаётган бундай махфий амалиётларни инсон ҳуқуқларининг қўпол тарзда бузилиши дея баҳоламоқда.

«Халқ сўзи»га жавоб

Андижон вилоят прокуратураси томонидан «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Хомталаш» ва «Фатво топиш шунча осонми?» сарлавҳали мақолаларда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди.

Тендер савдолари бекор қилинди

«Хомталаш» ва «Фатво топиш шунча осонми?» мақолалари юзасидан

Аниқланишича, 2005 йилнинг июнь ойида Андижон вилоят Адлия бошқармаси «Бинокор» лойиҳа тайёрлаш ва қурилиш ташкилотлари масъулияти чекланган жамиятлари уюшмаси ва унинг тизимидаги 101; 112; 118-119 ҳамда 125-сонли қурилиш ташкилотларининг манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, Андижон вилоят Давлат мулки бошқармаси томонидан 2004 йилнинг 28 июнь ва 12 октябрда корхоналарни инвесторларга сотиш бўйича ўтказилган «тендер» савдолари юзасидан қабул қилган қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Андижон вилоят хўжалик судининг 05.07.2005 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилган.

Вилоят хўжалик суди апелляция судлов ҳайъатининг 15.09.2005 йилдаги қарори билан ушбу суд қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанцияси судининг 09.11.2005 йилдаги қарори билан вилоят суди апелляция инстанцияси судининг 2005 йил 15 сентябрдаги қарори ўзгартирилиб, даъвони рад этиш қисми бекор қилинган ва иш юритишдан тугатилган.

Шундан сўнг 2005 йилнинг 23 ноябрь куни Олтинкўл туманидаги 101-сонли ва Марҳаматдаги 112-сонли қурилиш корхоналари хўжалик судига мустақил даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2004 йилнинг 28 июнь ва 12 октябрь кунлари ўтказилган тендер савдоларини бекор қилишни сўраган.

Вилоят хўжалик судининг 30.12.2005 йилдаги ажрими билан Марҳаматдаги 112-сонли қурилиш корхонасининг даъво ариза низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаганлиги сабабли иш юритишдан тугатилган. Олтинкўлдаги 101-сонли қурилиш корхонаси таъсисчилари юридик шахс бўлгани учун даъво аризаси хўжалик судида кўриб чиқилиб, суднинг 26.01.2006 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилган.

Вилоят «Бинокор» лойиҳа тайёрлаш ва қурилиш ташкилотлари масъулияти чекланган жамиятлар уюшмаси фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, «Бинокор» лойиҳа тайёрлаш ва қурилиш ташкилотлар масъулияти чекланган жамиятлар уюшмаси ва унинг тизимидаги қурилиш ташкилотлари 22.04.1964 йилда колхозлараро пайчиларини умумий йиғилишининг 1-сонли қарори ва Халқ депутатлари Андижон вилоят ижроия қўмитасининг 23.04.1964 йилдаги 201/10 қарорига асосан давлат улушидан ҳоли ҳолатда ташкил қилингани ҳисобга олинмай, Давлат мулк қўмитаси Андижон вилоят бошқармаси томонидан тендер савдоларига қўйилгани, савдо натижаларига кўра, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар ташқи инвесторларга танлов асосида бепул бериб юборилганини кўрсатиб, тендер комиссиясининг 119, 125-сонли қурилиш ташкилотларини инвесторларга бепул сотиш ҳақидаги қарорларини бекор қилишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2006 йил 22-23 февраль кунги ҳал қилув қарорларига асосан вилоят тендер комиссиясининг Шаҳрихондаги 125-сонли, Избоскандаги 119-сонли қурилиш ташкилотларини ва Андижон вилоят хўжалик судининг 2006 йил 26 январь кунги ҳал қилув қарори билан Олтинкўл туманидаги 101-сонли қурилиш корхонасини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш ҳақидаги қарорлари бекор қилинган.

«Бинокор» лойиҳа тайёрлаш ва қурилиш ташкилотлари масъулияти чекланган жамиятлар уюшмаси томонидан ҳозирда Марҳамат туманидаги 112-сонли ва Бўз туманидаги 118-сонли хўжаликлараро кўчма механизациялашган сафлари бўйича тендер комиссияси қарорларини ноқонуний деб топиш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судига даъво аризаси киритиш чоралари кўрилмоқда.

Б. ДЕҲҚОНОВ,
Андижон вилоят прокурори.

«Савдогарбанк» акциядорлари диққатига!

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи

«САВДОГАР»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

навбатдаги акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. «Савдогарбанк»нинг 2005 йил фаолияти натижалари бўйича банк бошқарувининг ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2006 йилги асосий вазифалари тўғрисида.
2. «Савдогарбанк»нинг 2005 йил бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
3. Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4. Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Банк бошқаруви раиси, бошқарув таркибини ҳамда бошқарув раиси билан тузиладиган шартномани тасдиқлаш тўғрисида.
6. Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Банк номини ўзгартириш ҳамда янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида.

Йиғилиш 2006 йил 6 май куни соат 10.00да Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 76-уйда ўтказилади.

«Савдогарбанк» кенгашининг 2006 йил 4 апрелдаги йиғилиши қарорига асосан банк акциядорларининг реестри 2006 йил 6 апрель кунига ёпилади.

Маълумот тартиб рақами — 07

Йиғилиш қатнашчилари 2006 йил 6 май куни соат 8.30дан 9.45гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Маълумот учун телефонлар: 54-18-65, 361-30-29.

Банк кенгаши

Спорт

Сузувчиларимиз Шанхайда

Кеча Шанхайда 25 метрлик ҳавзада сузиш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди.

Чемпионатда халқаро турнирларда тажриба орттирган Олег Пухнатий, Ирина Шлемова, Пётр Васильев, Темур Эргашев ва Ринат Иньяминовлар юртимиз шарафини ҳимоя қилаяпти. Фолиблар номи 10 апрель куни маълум бўлади.

ОФКга «Юнусобод» маъқул бўлди

Жорий йилнинг 21-27 май кунлари Тошкентда футзал бўйича Осиё чемпионати ўтказилиши ҳақида хабар бергандик. Осиё футбол конфедерацияси вакиллари Ўзбекистонда бўлишиб, мусобақа ўтиши режалаштирилган «Юнусобод» ва «Чирчиқ» стадионларини кўздан кечиришди.

ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими хабарида айтилишича, улар «Чирчиқ» стадиони талабга жавоб бермаслиги сабабли чемпионатни «Юнусобод» стадионида ўтказишни маъқул топишган.

23 апрель куни Тошкентдаги «Зарафшон» концерт залида қитъа чемпионатига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади.

Велоспортчилар баҳси

Тошкент вилояти автотрассасида велоспорт бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вакилларидан ташқари Россия ва Қозоғистондан келган жами 100 нафар спортчи қатнашди. Мусобақада сирдарёлик Владимир Тўйчиев ғолибликни қўлга киритди. Қозоғистонлик Александр Телибоев иккинчи, чирчиқлик Руслан Каримов учинчи ўринни эгаллади.

З.ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Куртаклар баҳорда барг ёзади

Мактаб ўқувчилари орасида «Кичик олимпиада» деб ном олган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи Фарғонада чинакам спорт байрамига айланиб кетди.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида қатнашиш учун «Нефтчи» спорт мажмуасига минглаб ишқибозлар ташриф буюрди. Тантаналар нуфузи, ташкил этилиши эса халқаро мусобақалар русумидан сира қолишмасди. Вилоятнинг таниқли санъаткорлари чиқишлари ёш спортчилар, гимнастикачиларнинг кўргазмали машқларига хамоҳанг уланиб кетди.

Бир ҳафта давом этадиган мусобақаларни енгил атлетикачилар бошлаб беришди. Ўзбекистон туманининг Яйпан қишлоғидан ташриф буюрган Жасур Кенжабоев 100 метрга югуришдан шаҳарлардаги ихтисослаштирилган спорт мактаблари тарбияланувчиларига ҳам «дарс» берди. У 10,8 дақиқа кўрсаткич билан маррага биринчи бўлиб етиб келди. Қизлар ўртасида шу масофадаги мусобақада эса мамлакатимизнинг икки карра чемпиони Марина Хмельевская тенгсиз эканлигини исботлади. Марина Фарғона шаҳридаги 11 мактаб ўқувчиси. У 800 метр масофага югуришда ҳам марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Шунингдек, Жасур Кенжабоев ҳам шу куни иккинчи марта шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Жасур 400 метр масофага югуришда «лента»ни биринчи бўлиб кесиб ўтди. Фарғоналик Рашид Бурнашев ҳам икки марта шоҳсупадан ўрин олди. Рашидга 800 метр ҳамда энг узун 1.500 метр масофаларга югуришда ғолиблик насиб этди. Эстафета мусобақаларида ҳам Фарғона шаҳрилик ўқувчиларга бас келадиган тенгдошлар топилмади.

«Фарғона-Дугоба» спорт мажмуасида ўсмирлар ва қизлар стол тенниси бўйича баҳс бойлашди. Шуниси диққатга сазоворки, аввалги йиллардагидек барча мусобақаларни ўтказиш учун фақат вилоят маркази билан чекланилмади. Мусобақаларнинг мини-футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, кураш, шахмат ва бошқа турлари Марғилон шаҳри, Бешариқ ва Тошлоқ туманлари спорт комплексларида ҳам ўтказилмоқда.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳайкал — халқ эҳтироми

Ёш Аҳмаджон учун тошлар билан "тиллашиш" болаларга хос ўткинчи ишқибозлик эмас, балки эҳтиёж эди. Шу ички хоҳиш-истак уни Москва бадиий санъат билим юртига етаклади. Тош, мармар йўнишга қўли анча келишиб қолган тиришқоқ йигитчанинг ишлари мутахассислар эътиборини қозонди. 1959 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси кўргазмаси Аҳмад Шоймуродов номини кашф этди.

Ёркин истеъдодни сезган устозлар унга ўқишни давом эттиришни таклиф қилишди. Ўша йили Суриков номидаги бадиий санъат институтига Ўрта Осиёдан фақат Аҳмад Шоймуродовгина ўқишга кирди.

Бу ерда тош, мармар бўлакларини санъат асарига айлантириш сир-синоатларини янада чуқурроқ ўрганишга киришди. Машҳур ҳайкалтарош Матвей Манизер унга қандай қилиб мўлжал олиш, бурчак ҳосил қилиш, материал танлаш ва улардан фойдаланишни обдон кўрсатди.

У билим юртида ўқиб юрган кезларидаёқ Навоийнинг ҳайкалини ясашни орзу қиларди. Бир куни машҳур рассом Чингиз Аҳмаров Тошкент метроси бекатларидадан бири Навоий асарлари асосида безатилиши мўлжаллангани ҳақида гапириб, уни ўзи билан бирга ишлашга кўндирди. Ёш ҳайкалтарош учун бу катта шараф эди.

Ижодкор устахонасида

Лекин Аҳмад Шоймуродов бундан қаноатланмади. Навоий сиймосини, унинг қаҳрамонлари қиёфасини гавдалантириш иштиёқи доим уни ўйлантириб келди. Иккинчи курсда ўқиётган пайтида академик Воҳид Абдуллаевнинг тавсияси билан ишлаган Навоий ҳайкали СамДУ мажлислар залининг тўридан жой олди. Навоийнинг маҳобатли ҳайкалини ясаш эса ўттиз йил ўтгач насиб этди. Навоий ҳамиша унга Самарқандннинг муҳташам обидаларига қараб, хаёлга ботгандай, устози Абуллайс Самарқандий билан ёнма-ён кетаётгандай туюларди. Ана шу тасаввур асосида у Навоий ва унинг устози Абуллайс Самарқандий ҳайкалини яратди.

Аҳмад Шоймуродов бу билан ҳам чекланиб қолмади. Машҳур мусаввир Маҳмуд Музаффаҳ чизиб қолдирган сурат асосида Навоийнинг яна бир ҳайкалини ишлади. Ҳайкал кўпчиликка маъқул бўлди. У ҳатто, Москвадаги нуфузли кўргазмада кумуш медаль билан тақдирланди. Навоий номидаги Адабиёт музейи деворларига шоир асарлари асосида ишланган сопол тасвирлар ҳам Аҳмад Шоймуродовнинг ижоди маҳсулидир.

Шунингдек, Аҳмад Шоймуродов яратган Улуғбек, Жомий сингари кўплаб тарихий шахслар сиймоси гавдалантирилган ҳайкаллар шаҳар майдонлари, музейларига кўрк бериб турибди. Биргина Самарқанд шаҳрида Аҳмад ака яратган йигирмата ҳайкал мавжуд. Аҳмад аканинг жонажон шаҳрига фарзандлик меҳри сифатида бунёд этилган истироҳат боғидаги маҳобатли Навоий ҳайкали, "Илҳом париси" асарини кўрганда ҳар қандай киши улар олдида узоқ туриб қолади. Москва Давлат университетида турган Навоий ҳайкали ҳам ватандошларимизда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотади.

Самарқанд Давлат музейидаги "Она" ҳайкали Аҳмад аканинг не-не машаққатлар билан вояга етказиб улғайтирган волидасига ҳурмат-эҳтироми рамзи. Бу ҳайкал оналарнинг мунис ва улуғворлиги, беқиёс меҳри ҳақида ўзига хос қўшиқдир. Аҳмад Шоймуродов оналар сиймосини ҳамиша меҳр билан гавдалантиради. Унинг бу мавзудаги асарлари кўплаб музейларда, шахсий коллекцияларда сақланади.

Ҳайкаллар аслида одамларнинг ўз юрти, халқи учун фидойилик қилган қаҳрамонларга, арбобларга, мутафаккирларга эҳтироми, ҳурмати рамзи. Металл, тош, мармар каби турли хом ашёлардан яратилган ҳайкаллар, гарчи жонсиз бўлсада, улар кишиларни руҳлантиради. Одамларнинг қалбидаги шижоатни уйғотади. Аҳмад Шоймуродов асарлари ҳам ана шундай мафтункор санъат намуналаридандир.

Абдулла УЛУҒОВ.

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУДОФАА ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ

«Зар-ДС» хусусий фирма биносини Гулистон шаҳар мудофаа ишлари бўлими учун капитал таъмирлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектни қайта таъмирлаш бошланғич баҳоси — 101,898 млн. сўм.
Тугатиш муддати — 4 ой.
Объект маҳаллий маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси.
Манзил: Гулистон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 11-уй.
Телефон: 25-30-83.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга амал қилишлари керак: уларнинг ҳисоб рақамларида танлов савдолари предмети нархининг 20 фоизи миқдори қийматида айланма маблағи ёки у бўлмаганда шу миқдорда банкдан кредит олиш кафолати, қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун етарли материал, техника ресурслари борлиги, шартнома тузишга лаёқатлилиги ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари талаб этилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун савдо ташкилотчисига эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида сўровнома билан мурожаат этиш лозим.

Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.
Танлов савдолари эълон чоп этилган вақтдан 30 кун ўтгач юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

2450R/623

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэксковаторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Барча автотехникалар учун кафолат берилади. *Лизинга ҳам!*

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Товар сертификатланган.
2161R/296

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ҚАЛИТИДИР!

12748/296

Шаҳар марказида жойлашган

«ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ

қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:

* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.

Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.

Тошкент ш., «Ўзбекистон» к., 98-«А» уй.
Тел.: 144-26-22, 395-81-23.
Мўлжал: Киночилар уйи.

2238R/473

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ сотади:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

АККУМУЛЯТОРЛАР

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

Товарлар сертификатланган. Хизматлар лицензиялланган.
2238R/473

DM DEMIR **Тел.: 68-26-59, 184-83-25, 184-83-26.**
Тел./факс: 68-17-11
E-mail: siruba@dmrgroup.com.tr mac_erdogan@yahoo.com

ШВЕЙНЫЕ МАШИНЫ ВСЕХ ТИПОВ и др. ТЕКСТИЛЬНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ

SiRUBA
INDUSTRIAL SEWING MACHINE

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

г. Ташкент, ул. Паркентская, 51.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

5200 дона «А» менингит зардоби, 5200 дона ACYW-135 менингит зардоби, 5200 дона грипп зардоби харид қилишга

танлов эълон қилади.

Ҳисоб-китоб миллий валютада пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Таклифлар 2006 йилнинг 31 майигача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 393-23-97, 40-01-96.

Манзилимиз: 700002, Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Зарқайнар кўчаси, 103-уй.

2419R/636

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2006 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

1. **Қарши тумани, Хонобод қишлоғида 2000-3000 гача аҳолига хизмат кўрсатадиган КВП қурилиши.**
   Қурилиш муддати — 90 кун. Бошланғич нархи — 115.069.680 (ҚҚС билан) сўм.
2. **Қарши шаҳрида вилоят онкология диспансери учун радиология бўлими қурилиши.**
   Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 160.487.230 (ҚҚС билан) сўм.

Буюртмачи — Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (8-375) 227-16-56, 227-19-82, 227-18-95.
Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда** жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.
Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи биносида қуйидаги манзилда ўтказилади: Қарши ш., «Ўзбекистон овози» газетаси к., 3-уй.

ДИҚҚАТ

КЎЧМАС МУЛК САВДОСИ!

«Эрон Содерот банки"нинг Тошкентдаги шўъба банки

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида жойлашган қуйидаги мулкни сотади:

Маъмурий бино — 3 130 м.кв.
Ишлаб чиқариш биноси ва омборлар — 4 350 м.кв.
Умумий ер майдони — 35 792 м.кв.

Объект сув, электр энергияси ва телефон билан таъминланган ва ширин маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар бор.

Савдо шартлари ҳақида тўла маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Миробод тумани, Чехов к., 10-уй
(мўлжал: Қозоғистон элчихонаси).

2411R/636

BELARUS®

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали

МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА

ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., Братислава к., 11.
Тел.: 151-20-33, 151-20-90,
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

2308R/429

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия аъзоси Жаҳабай Содиқовга акаси **Салменбай СОДИҚОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти жамоаси Умумий энтомология ва арахнология лабораториясининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди Ширин Комиловага онаси **Рихси ая ОТАБЕКОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали муҳаррири Гулчеҳра Эрназаровага волидаи муҳтарамаси **МУАЗЗАМ аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси Иқтисодий информатика кафедраси доценти **Мамира ҒАФУРОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 12345